учинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

399 Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўгрисида

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини янада ривожлантириш ва унинг ижтимоий ночор гурухларга тегишли болаларга ва уларнинг оилаларига ижтимоий-педагогик, хукукий ва ахборот-таълим ёрдами курсатишга доир фаолиятини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш максадида Вазирлар Махкамаси **карор килади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва Молия вазирлигининг:

мухандислик тармоқлари ва коммуникацияларини модернизация қилиш, ногирон болалар учун махсус сузиш бассейни қуриш ва зарур асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан қушимча жиҳозлаш йули билан Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг (кейинги уринларда Марказ деб аталади) моддий-техника базасини мустаҳкамлашни;

- 2012 2014 йиллар мобайнида Қарши, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида Марказнинг минтақавий филиалларини босқичма-босқич ташкил этишни назарда тутувчи 1-иловага* мувофиқ Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини янада ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.
 - 2. Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари хокимликлари:

Марказнинг минтақавий филиалларини жойлаштириш учун 1-иловада курсатилган муддатларда тегишли бинолар ажратсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда қурилиш ишларини молиялаштириш ҳамда зарур асбоб-ускуналар ва жиҳозлар ҳарид қилиш учун ҳорижий ва маҳаллий ташкилотларнинг грант маблағларини жалб этиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширсинлар.

- 3. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини янада ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш учун 2-иловага* мувофик руйхат буйича хужалик юритувчи субъектлар ва ташкилотларнинг улар томонидан ихтиёрий мурувват ёрдами курсатиш туррисидаги ташаббуси маъкуллансин.
- 4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказ ходимлари сонининг 4 нафарга кўпайиши билан боғлиқ қўшимча харажатлар учун жо-

^{* 1-2-}иловалар берилмайди.

рий йилда зарур бюджет маблағлари ажратсин, 2012 йилдан бошлаб эса — ушбу харажатларни қоплаш ҳамда Марказнинг ташкил этилаётган минта- қавий филиаллари таъминотига республика бюджетининг таълим соҳасига йуналтириладиган маблағлари ҳисобига Узбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида маблағларни назарда тутсин.

- 5. Марказ, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари хокимликлари хорижий ва махаллий ташкилотларнинг грант маблағларидан мақсадли фойдаланилишини таъминласинлар хамда хар ярим йиллик якунларига кура Вазирлар Маҳкамасига Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини янада ривожлантириш тадбирларининг амалга оширилиши турчисида ахборот тақдим этсинлар.
- 6. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўгрисида» 2004 йил 7 сентябрдаги 419-сон карорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 91-модда) 3-иловага мувофик ўзгартиришлар киритилсин.
- 7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2011 йил 23 сентябрь, 267-сон

> Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 сентябрдаги 267-сон қарорига 3-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўгрисида» 2004 йил 7 сентябрдаги 419-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

- 1. 2-банднинг биринчи хатбошидаги «65» ва «36» рақамлари тегишли равишда «69» ва «40» рақамлари билан алмаштирилсин.
 - 2. 2-иловада:
- а) «Ахборот-консалтинг хизмати» устунидаги «13» рақами «17» рақами билан алмаштирилсин;
- б) илова охиридаги матнда «65» ва «36» рақамлари тегишли равишда «69» ва «40» рақамлари билан алмаштирилсин.